



НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqib boshlagan

E-mail: zarafshon@umail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

2020-yil 27-fevral, payshanba, 26 (23.306)-son

Кун ҳикмати

Рақобат биров
қилмаган ишни
эмас, балки қила
олмаган ишни
ундан яхшироқ
уддалашдир

Австрия ишбилармонлари Самарқандга интиломда

Вилоятимизда Австрия тадбиркорларининг сармоysi иштирокида меҳмонхона, туризм, автомобилларни ижарага бериш хизматлари, қандолатчилик, гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда 7 та қўшма қорхона фаолият юритмоқда. Ишончли ҳамкорлик туфайли Ўзбекистон ва Австрия ўртасидаги товар айланмаси 2019 йилда 13,6 миллион долларни ташкил этган. Янги лойиҳаларни ишга тушириш орқали ҳамкорлик кўламини янада ошириш имконияти бор.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янги поғонага олиб чиқиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Австрия Республикаси ва вилоятимиз ишбилармон доира вакиллари ўртасида бизнес форум бўлиб ўтди.

Бизнес форум аввалида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Уроқов икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бораётганини таъкидлади. Вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти тақдирини ўтказилди.

Австрия федерал иқтисод палатаси бошлиғи Рихард Шенц бошчилигидаги 30 дан ортиқ компания қурилиш, саноат, туризм, нефть-кимё, гўшт ва сутни қайта ишлаш, темирйўл, иситиш ва совутиш тизимлари, автомобиллар учун қўшимча ускуналар, қозғош ишлаб чиқариш, гидро электр станциялари учун ускуналар, канализация ва чиқиндиларни тозалаш ва қайта ишлаш, тиббиёт, фонд бозорини мувофиқлаштириш, қадоқлаш, логисти-

ка ва бошқа йўналишларида ҳамкорлик қилиш учун ўз хизматларини таклиф этди. Форум давомида Австрия компаниялари вакиллари ва вилоятимизнинг 40 га яқин ишбилармонлари иштирокида B2B ва G2B форматда учрашувлар ҳам ўтказилди.

– **Биз оқова сувларни тозалаш, истеъмолга яроқли ҳолга келтириш, оқова сув жиҳозларини янгилаш, аҳоли пунктлари ва тоғли ҳудудларда сувоқова қорхоналарини қуриш билан шугулланамиз, – дейди Австриянинг WABAG компанияси вакили Томас Рашке. – Олинган чиқиндидан брикет, метан газ ишлаб чиқариб генераторлар ёрдамида ҳеч қандай станцияларсиз электр энергияси ишлаб чиқарамиз. Форумда самарқандлик ишбилармонлар компаниямиз фаолиятига катта қизиқиш билдирди.**



Форум ишида туманлардан келган тадбиркорлар қишлоқ хўжалиги лойиҳалари, гўшт ва сутни қайта ишлаш, маҳсулотни сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича келишувларга эришти.

– Қорхонамиз йилига 13,5 минг тонна мева-сабзавотни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш билан шугул-

ланади, – дейди Булунгур туманидаги “Самарқанд гарден пласт” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма қорхона директори ўринбосари Баҳодир Эргашев.

– Маҳсулотимизни Россия, Хитой ва Германияга экспорт қиламиз. Бу йилдан эса Сингапур билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйдик. Бугунги форумда

Австриянинг “RUSSIA LASSMANN” компанияси билан логистика хизматини йўлга қўйиш борасида келишувга эришдик. Бу бизга маҳсулотимизни Европа бозорига чиқаришда катта имконият беради.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Алишер ИСРОИЛОВ
(фото).**

Қозикентга янги трансформатор ўрнатилади

Ўзбекистон “Адолат” СДПдан вилоят Кенгашига сайланган депутатлар ўтган давр мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчилар мурожаатлари асосида 20 дан ортиқ депутатлик сўрови киритди.

Бунда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши, моддий-техник базаси, ички йўллари таъмирлаш, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминоти, ёшларни ишга жойлаштириш ва бошқа шу каби муҳим масалалар партия депутатларининг диққат марказида бўлмоқда.

Хусусан, вилоят Кенгаши депутати Содик Ҳақбердиевнинг Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабида мавжуд спорт зал бугунги кунда таъмирталаб эканлиги юзасидан туман ҳокимлиги молия бўлимига киритган депутатлик сўрови ушбу масалага мутасаддиларнинг эътиборини қаратди. Бу борада манзилли дастурда тегишли вазифалар белгиланиб, ижроси депутат назоратига олинди.

Туман аҳолиси учун суялтирилган газ баллонларини ўз вақтида етказишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш учун “Худудга Самарқанд” МЧЖ директори депутатлик сўрови орқали мурожаат қилган депутатга 320 донга газ баллонларини аҳолига бир вақтда етказиш имкониятига эга “СНАСМАН” русумли махсус автомашина ажратилиши ҳақида жавоб берилган.

Бундан ташқари, Қозикент маҳалласи аҳолиси учун қўшимча трансформатор ўрнатиш масаласи ҳам депутатнинг фаоллиги эвазига ҳал этиладиган бўлди.

Сайловчилар билан учрашув чоғида вилоят Кенгаши депутати Илҳом Тўхтасиновга Самарқанд шаҳридаги “Устозлар” маҳалласида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кўллиги сабабли мавжуд трансформаторнинг қуввати етмаётганини, электр энергияси таъминотида кўплаб узилишлар юзага келаётганини билдирди.

Масалани ўрганиш давомида маҳаллада 57 донга янги типдаги симёғоч ўрнатиш зарурлиги маълум бўлган. Шу мақсадда депутат «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖга депутатлик сўрови киритди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот хизмати.



Бир кунда 2 минг туп кўчат экилди

Юртимизга баҳор кириб келмоқда. Бу фаслда барча ҳудудларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари, умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари ёқалари, ижтимоий соҳа объектлари ҳудуди, хиёбонлар, кўчалар, фермер хўжаликлари ер майдонларида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги Афросиёб тепалиги ёнбағрига 2 минг тупдан ортиқ Виржил арчиси ва Элдор қарағайи экилди.

Бу йил кўкламда вилоятимиз шаҳар ва туманларида 17 минг тупдан ортиқ каштан, Қрим қарағайи, лала дарахти, эман, Виржил арчиси, Шарқ туяси, Япон сафораси, катальпа, шумтол, қайроғоч, заранг, акация, терак каби манзарали дарахт ва бутта кўчатлари экилади.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Универсиада – 2020

Самарқанд давлат университети академик лицейи спорт залида “Универсиада – 2020” спорт ўйинларининг гандбол бўйича қизлар ўртасидаги финал босқичи баҳслари ўтказилди.

Гандболчиларимиз иккинчи ўринда

Республика финал босқичи иштирокчилари – Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда самарқандлик гандболчи қизлар Регистон майдонида мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан тантанали кутиб олинди. Иштирокчиларга вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи У.Ражабов сўзга чиқиб, иштирокчиларни қутлади ва мамлакатимизда спортни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, юртимиз ёшлари ўртасида йўлга қўйилган уч босқичли спорт тизимининг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Икки кун давом этган мусобақада ўзаро ўйинлар натижасига кўра Тошкент вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Вилоятимиз гандболчи қизлари иккинчи, фарғоналик гандболчилар учинчи ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси тўртинчи поғонадан жой олди.

– Юртимиздаги уч босқичли спорт беллашуварларида Универсиада алоҳида аҳамиятга эга, – дейди самарқандлик гандболчи Озода Исмоилова. – Шу боис баҳслар муросасиз ўтди. Гарчанд биринчи ўринни эгалламаган бўлсак-да, мусобақа давомида маҳоратимизни оширдик, дўстлар орттирдик.

Алишер ИСРОИЛОВ.

Хотира майдонлари хотирадан кўтарилганми?

Бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги юртимизда кенг нишонланади. Ҳадемай 9 май келади. Жойларда хотира ва қадрлаш тадбирлари ўтказилади. Бу тадбирлар асосан Хотира майдонларида ташкил этилади.

Хўш, айна пайтда туман ва шаҳарлардаги бундай хиёбонлар қандай ҳолатда?

Иштихон туманида

Хотира майдони бунёд этилганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, деворларга ёпиштирилган плиталар тушиб, йўлакларга ётқизилганлари кўтарилиб ётганлиги бу жойни бунёд этган қурувчилар сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланганидан, мутасаддилар эса таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига бефарқлигидан дарак бериб турибди.



Юртимиз бўйлаб

26 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Хоразм вилоятида Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди.

Худудларда нима гап?

Нарпай тумани марказида маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун «Суюн ота» номли илк меҳмон уйи очилди.

Самарқанд шаҳар 3-бўлақлар мусиқа ва санъат мактабида ёшларни миллий қадриятларимиздан хабардор қилиш, йўқолиб кетаётган анъаналаримиз ва халқ оғзаки ижодини қайта тиклаш мақсадида ташкил этилган “Келажак” фольклор фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Нуробод туманининг энг чекка Каттасой ва Чилхужра қишлоқларида 58– ҳамда 66-умумий ўрта таълим мактабларининг филиаллари янги бинога эга бўлди.

(Батафсил: zarnews.uz сайтида)

Жаҳон айвонида

АҚШ Россияга қарши янги санкциялар киритди ва мавжудларини яна бир йилга узайтирди.

Мисрда мамлакатнинг собиқ раҳбари Хусни Муборак вафоти муносабати билан 3 кунлик умуммиллий мотам эълон қилинди.

Индонезиянинг Ғарбий Ява вилоятидаги Караванг округида рўй берган кучли сув тошқини ҳамда довул туфайли 10 минг киши уйини тарк этди.

Испаниянинг Тенерифе шаҳри меҳмонхоналарининг бирида италиялик сайёҳдан коронавирус аниқлангани сабабли юзлаб меҳмонлар кўчага чиқарилмапти.

Тожикистон коронавирус туфайли чегарадаги назоратни кучайтирди.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

“E-IJRO AUKSION” ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДО МАЙДОНЧАСИГА ЧИҚАРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИНГ МИНИМАЛ ҚИЙМАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги "Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1023-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 02/1-2631-сонли топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида вилоят молия бош бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг тавсияларини инобатга олиб, ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят молия бош бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган "E-IJRO AUKSION" электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажинов), давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (С.Махмараимов)га ер участкасига бўлган ҳуқуқ инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар билан сотилган тақдирда, ушбу инвестицион мажбуриятларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси (Н.Норбеков) мазкур қарорни "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ж.Ўроқов, А.Шукуров, О.Ходжаев, Б.Нуруллаев зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.

Вилоят ҳокими Э.ТУРДИМОВ

2020 йил 25 февраль, №28-Қ

(Қарор матни ва иловалари билан вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти - www.samarkand.uz ҳамда zarnews.uz сайти орқали танишишингиз мумкин).

Никоҳдан ажратиш тўғрисида судга мурожаат қилмоқчимисиз?

Конституциямизда оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилиб, оила давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланган. Оила тўғрисидаги қонунчилик вазифаларидан келиб чиқиб, оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқлари қонун билан қўриқланади.

Шу боис, судлар томонидан тарафларнинг ярашишлари учун кўрилган чоралар, хусусан, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда олиб борилган тушунтириш ишлари, сайёр суд мажлисларида ажрашишнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш борасида олиб борилган ишлари натижасида 2019 йилда вилоятимизда 209 оила яраштирилган.

АЖРИМЛАР КАМАЙГАН, АММО... 2019 йил давомида вилоятимизда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари 4804 тани ташкил қилди. Бу 2018 йилга нисбатан 231 тага кам демакдир.



Шунингдек, даъво қаноатлантирилган қарорлар сони 2 956 тани ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 182 тага камайган.

Таҳлиллар натижаларига қарайдиган бўлса, қайси ҳолатлар кўпроқ ажримларга сабаб бўлаётганини аниқлаш мумкин. Жумладан, оилавий келишмовчилик туфайли 2879 та, моддий жиҳатдан қийналганлик сабабли 464 та, фарзандсизлик оқибатида 272 та, спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ружу қўйишга оид 160 та, бошқа сабабларга кўра 1643 та ҳолатда судларга никоҳдан ажрашиш учун ариза берилган.

Бундан кўриш мумкинки, никоҳ кўп ҳолатларда тарафларнинг гурури, қариндошларнинг шахсий адовати, нотўғри айтилган сўздан бузилиб кетади. Одатда никоҳдан ажрашиш ис-тагини билдирган шахс кўп ҳолатда иккиланиб туради. Вакил орқали берилган даъво ариза шахсий ажрашиш қароридан қайтиш эҳтимолини анча пасайтиради.

Аслида никоҳга кириш никоҳланувчиларнинг ихтиёрига асосланган. Ўз навбатида никоҳдан ажрашишга қарор қилган шахс, ушбу ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириши лозим.

Сайёр суд

Кейинги пайтларда айрим суд ишлари маҳалла фуқаролар йиғинларида, сайёр суд асосида кўрилмақда. Бу эса ошкоралик ва адолат тамойилларига мос бўлиб, аҳолини огохликка чорлаши билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Автоҳалокат иштирокчилари ярашди

Масалан, судланувчи Ойбек Эшонқуловга оид жиноят иши туманимиздаги Мирзоқул маҳалласида сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Аниқланишича, О.Эшонқулов 2019 йил 19 ноябрь куни соат 17:30 ларда Иштихон туманининг "Халқобод - Йўлғонтепа" автомобиль йўлида ўзига тегишли "Спарк" русумли автоташнаси билан билосипедада келаётган Б.Умаровни уриб юбориб, унга ўртача оғирликдаги шикаст етказган.

Сайёр суд мажлисида О.Эшонқулов айбига тўлиқ иқдор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганиги, ҳозирда жабрланувчини қонуний вакили билан бирон-бир таъйин қилишга эришгани ҳақида, жабрланувчи Б.Умаров эса ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, О.Эшонқуловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд О.Эшонқуловга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни лозим, деб топди. Сайёр суднинг маҳаллада, шу ерлик аҳоли билан ўтказилган фойдаланиб, суд мажлисидан сўнг автомобил бошқаришда ҳушёрликни кўлдан бермаслик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни барвақт олдини олиш, қабул қилинган суд ҳужжатларини тушунтириш бўйича очик мулоқот ўтказилди.

ҚАМол ПАНСАТОВ, жиноят ишлари бўйича Иштихон туман суди раиси.

Лимонга куя тушди...

Иссиқхонамиздаги лимонга касаллик тушди. Тажрибали деҳқонлардан сўрасам бу цитрус меваларга тушадиган говакловчи куя эканлигини айтишди. Бу қандай зараркунанда ва унга қарши курашишнинг самарали усуллари борми?

Н.МАДИЕВ, Иштихон тумани.

Цитрус говакловчи куянинг қўлайиш манбаи асосан, иссиқхона ҳужжалилари ҳисоблангани боис курашни, энг аввало, шу ердан бошлаш зарур. Иссиқхона ва очик майдонларда цитрус қўчатларини экишда ўсимликлар орасида ҳаво оқимини таъминлаб, уларнинг сийрақлигига эътибор берилса ҳашарот тарқалишининг олди олинади.

Таҳририятимизга Ургут тумани Ғиждувон маҳалласида истиқомат қилувчи 76 ёшли Фармон Нарзиқуловдан шикоят хати келди. Отанинг ёзишича, Зарафшон тоғ ёнбағридаги Ғиждувон, Муродқишлоқ, Чоштепа, Тўрткўл ҳамда Қолдивойжар маҳаллаларида 22 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда аҳоли томорқаларидан даромад олиш даражаси пасайиб кетган. Бунга сабаб деҳқончиликка яроқли 5-6 минг гектар ердаги экинларни суғориш учун сувнинг етишмаслигида. Чунки тоғ ёнбағрида яшовчи аҳолининг асосий даромади боғдорчилик, узумчиликдан келади.

Беш Маҳалланинг Муаммолари

қачон ўз ечимини топади?

Бундан жабр кўрган аҳоли қатор йиллардан бери шу ҳудудда сув омбори қурилишида кўмак сўраб вилоят, туман ҳокимликларига, қолаверса, республикадаги юқори ташкилотларга мурожаат қилган. Бир неча марта соҳа мутахассислари ва экспертлар келиб жойни ўрганиб кетишди. Ҳатто, 2000 йилда «Самарқандсувлоийха» институти мутахассислари томонидан «Ғиждувонсой сув омбори»нинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уша вақтларда Ургут тумани ҳокими шу ҳудудда яшаётган 13 та аҳоли хонадонини кўчириш бўйича топшириқ ҳам берган бўлса-да, қарор ижроси таъминланмай қолди. Бунинг устига сув омбори қуришга маблағ ажратилмади. Ҳозирда мазкур ҳудудда яшаётган хонадонлар сони 24 тага етди. Аммо, турли сабаблар билан аҳолини кўчириш ва сув омборини қуриш ишлари ортага сурилмоқда. Ниҳоят, ўтган йили вилоят ҳокими Э.Турдимов қабулига бориб вазият тушунтирилди. Ҳоким ҳолатни ўрганиб, лойиҳада кўрсатилган жойдан юқорироқдан бошқа сув омбори қуриш кераклигини таъкидлади.

Мазкур мурожаатни ўрганиш мақсадида маҳаллада бўлди. - Икки йил илгари вилоят ҳокими келиб лойиҳада кўзда тутилган, аммо ҳозирда аҳоли хонадонлари жойлашган ҳудудни кўздан кечирди, - дейди Ф.Нарзиқулов. - Лойиҳани ўзгартиришни таклиф қилди. Яъни, белгиланган жойдан бироз юқорироқда жойлашган ҳудудни танлаб, «Ғиждувонсой сув омбори»ни давлат бюджети ҳамда инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган 2020-2022 йилларга мўлжалланган ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзил рўйхатида киритиб, 2022 йилда қурилиш ишларини бошлашни режалаштирди. Албатта, унгача Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, «Самарқанд сув лойиҳа» институти, «Самарқанд қурилиш инвест» ДУК ва соҳага алоқадор бошқа ташкилотлар вакиллари келиб ҳудуд ерларини экспертизадан ўтказиш ва лойиҳалаш ишларини олиб боришларини таъкидлади. Агар бу лойиҳа амалга ошса, сув омборига 15 миллион кубометр сув йиғиш мумкин. Бу қишин-ёзин деҳқончиликда муаммолар бўлмайдиган дегани.

Худудда муаммо фақатгина бу эмас. Жартепадан Тўрткўл маҳалласига олиб борадиган 10 километр йўл ўйдим-чуқур. Аҳолининг таъкидлашича, 2016 йилда йўллар асфальт қилинган. Аммо, иш сифатсиз бажарилганидан, ёғингарчиликлар сабаб йўл қопламалари ювилиб кетган. Чақдара ва Ғиждувон қишлоқлари йўллари грейдер қилиниб текисланган, холос. Ургут шаҳридан «Ғўс-Ҳамзаобод-Тўрткўл» йўналишида кунига иккита автобус аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Биз борган кун қишлоқда электр энергияси йўқ экан. Тоққа яқин қишлоқларда бу табиий ҳолат. Ўтган йили Ғиждувон маҳалласининг битта нимстанцияси таъмирланиб, 30 та симёғоч бетон устунларга алмаштирилган. Аммо яна битта нимстанция ва 30 га яқин симёғочлар алмаштирилмай қолган.

Худуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳам муаммолар бор. Тўғри, Арчамозор чашмаларидан келаётган булоқ сувлари орқали Абди қишлоғида 90 тонналик, Тўрткўлда эса 25 тонналик сув сақлаш сизимлари орқали бешта маҳалла аҳолиси сув билан таъминланади.

Уч ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Ғиждувон маҳалласида болалар боғчаси, қишлоқ врачлик пункти йўқ. Жами 2,5 километр йўл асфальт, 21 километр йўлни эса тош билан текислаб таъмирлаш зарур. Юздан ортиқ хонадонлар учун маиший газ баллонлари зарур. «Тез ёрдам» шохобчасида дори-дармон ва тиббий жиҳозлар кам.

Зарафшон тоғ ёнбағридаги ушбу бешта маҳалла аҳолисини қийнаб келаётган муаммоларнинг айримларини вилоят ва туман ҳокимликлари кўмагисиз ҳал қилиб бўлмайди. Аммо, уларнинг ўзлари ҳам қўл қовуштириб турмасликлари лозим.

Дилмурод ТЎХТАЕВ, «Зарафшон» муҳбири.

рота тарқалишининг олди олинади. Ҳозир республикамизда 13 минг 277 гектар майдонда тарқалган бу зараркунанда асосан, цитрус мевалар – апельсин, мандарин, лимон ва бошқа турдаги иссиқхоналарда етиштирилаётган ўсимликларга зарар етказиши.

Бу зараркунандаги қарши ҳар гектарига 50-60 минг дондан трихограмма 5-7 кун оралатиб, 3 марта тарқатилади. Цитрус говакловчи куяга қарши энг самарали кимёвий инсектоцидлар сифатида гектарига 0,5 литр вертемик воситасини қўлаш мумкин. У тўқима ичига сингиш хусусиятига эга. Яна неоникотиноидлар синфида оид конфидор гектарига 0,3 литр ва моспила гектарига 0,3 килограмм инсектоцидлари ҳам яқши самара беради.

Саволга вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси матбуот хизмати раҳбари Акрам ФОЗИЛОВ жавоб берди.

Қоракўлчилик мактаби намояндаси

Қоракўлчилик фани фидойиси Ўктам Ариповни ҳеч муболағасиз ана шу мактаб асосчиларидан бири дейиш мумкин. Бу мавқега эришгунча у тинимсиз ўқиб изланди, тадқиқотлар олиб борди. Йиллар оқар дарёдек ўтиб бораверди. Аммо Ў.Арипов ўзи танлаган йўлдан, кўзлаган мақсадидан қайтмади.

культетни имтиёзли тугатди. Давлат тақсимот комиссияси унда илмий изланишларга қизиқиш ва мойилликни сезиб Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтига йўланма берди. Самарқанддаги бу институт Ўрта Осиёда ягона бўлиб, ўз нуфузи билан донг таратган эди.

1972 йилда институтга ишга келганимда маъмурият Москва чорвачилик институти аспирантурасига тавсия берди, - деб хотирлайди Ў.Арипов. - 1975 йилда номзодлик диссертациясини ёқладим.

Биология фанлари номзоди Ў.Арипов шундан кейин Ўз институтига қайтди ва қоракўл кўйларни селекцияси ҳамда генетикаси мактабини шакллантирди. Ушбу

мактабнинг фанга қўшган ҳиссаси шундаки, қоракўл кўйларнинг хусусиятлари, ирсияти, териларнинг ранг-баранглиги, ҳаётчанлиги, наслдорлиги, қимматли генофондини сақлаши борасида янги қирраларни кашф этди.

Ў.Арипов илмий фаолияти давомида 250 дан ортиқ ўқув ва илмий мақолалар ёзди. 20 дан ортиқ патент ва ихтиролар муаллифи бўлди. 12 фан доктори ва номзодлари илмий ишлари-га раҳбарлик қилди, 4 та монографияси нашр этилди. Улардан сўнггиси «Сурхондарё сур кўйлар генофондини сақлаш усуллари» Германия, Россия, Марказий Осиё олимларининг Германияда нашр этилган 4 томлик тўпламига киритилди.

Айни пайтда олим Сурхондарё вилояти «Боботоғ сури» қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликда олиб бораётган селекция тадқиқотларини яқунлаш арафасида.

Ў.Ариповнинг ҳаёт зарварига назар ташласак, институтда лаборант, илмий ходим, бўлим бошлиғи, директор ўринбосари, институт директоригача бўлган йўлни босиб ўтганига гувоҳ бўламиз. Бугунги кунда эса қоракўл кўйлар генетикаси ва селекцияси генофондини сақлаш бўлими бошлиғи сифатида тадқиқот ишларини давом эттириб, ёш илмий ходимларга устозлик қилмоқда.

Ўқтам ака ва Раъно опаларнинг оиласи маҳаллада ибратли. 5 нафар фарзандни элга муносиб қилиб тарбияладилар. Қўтулғу 70 ёши-



ни нишонлаётган олимни юбилей билан му-боракбод этиб, соғлиқ-саломатлик, узок умр тилаймиз.

Насилло БОБОҚУЛОВ,
Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти директори.
Ҳақберди НАРЗУЛЛАЕВ,
катта илмий ходим.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

“КАТТАҚҮРҒОН ПАХТА ТОЗАЛАШ”

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

“Каттақўрғон пахта тозалаш” куз-тув кенгашининг 2020 йил 22 февралдаги йиғилиши қарорига асосан “Каттақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 18 март кунини ўтказилди. Йиғилиш соат 10:00 да Каттақўрғон шаҳри, Т.Розиқов кўчаси, 2-ўйда жойлашган “Каттақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилди.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9:00 дан бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.kattakurganptk.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
 2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
 3. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сонли, 2019 йил 18 мартдаги 230-сонли қарорлари ижросини таъминлаш.
 4. Акциядорлар ваколат доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган, “Каттақўрғон Кластер” МЧЖ тўқимачилик кластер ташкилотининг мурожаатларини кўриб чиқиш.
 5. Жамият мол-мулкларини сотиш билан боғлиқ ва бошқа турлардаги йирик битимларни тасдиқлаш.
- Шу билан бирга, “Каттақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 84-моддасида белгиланган йирик битимлар юзга келганлиги сабабли яъни, Ўзбекистон Республика-

си Вазирилари Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон ва 2019 йил 18 мартдаги 230-сонли қарорларида белгиланган тартибда “Каттақўрғон пахта тозалаш” АЖ - 12 917 300 минг сўмга, шунингдек, “Каттақўрғон пахта тозалаш” АЖга тегишли “Едгорхўжа” пахта қабул қилиш маскани - 802 400 минг сўмга, “Каттаминг” пахта қабул қилиш маскани - 1 206 800 минг сўмга, “Қадан” пахта қабул қилиш маскани - 1 022 100 минг сўмга, “Ўзбекистон” пахта қабул қилиш маскани - 1 230 400 минг сўм ва “Гулистон” пахта қабул қилиш маскани - 887 300 минг сўмга сотилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 40-41-моддасига мувофиқ куйидагиларни маълум қиламиз:

- овоз берувчи акциядорнинг эгалари бўлган акциядорлар жамият томонидан йирик битим тузиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши талаб қилиниши ҳақиқидир;
- ўзларига тегишли акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади;
- акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларини жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул

қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши ҳамда мазкур муқадд тугаганидан сўнг жамият томонидан қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларини ўн кун ичида қайтариб сотиб олинади.

Мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан “Каттақўрғон пахта тозалаш” АЖнинг 1 (бир) дона акциясининг бозор қиймати - 50781,0 сўм этиб белгиланган.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана - навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 25 февраль ҳолатига ва акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 12 март ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсийни тасдиқловчи ҳужжат - паспорт ҳамда уларнинг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси қончилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун - нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун - мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Каттақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносидан танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри Т.Розиқов кўчаси, 2-уй, электрон почта:
sam_pahta455@inbox.uz
Телефонлар: 66-455-42-68, 90-270-02-28)

МИННАТДОРМАН

Нафақадаман, ёшим саксон тўққизда. Асаб толаларим шамоллаб, даволаниш учун Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмасига бордим. Врач Убайдулла Ҳасанов керакли ташхислардан сўнг неврология бўлимида ётиб даволанишим лозимлигини тушунтирди.

Бўлим бошлиғи Жаҳонгир Жўраевнинг кўрсатмаси асосида ёрдამчи врач ва ҳамширалар даволаниш бошлаб юборишди. Ўз касбининг фидойиси бўлган шифокорлар хизмати билан тўққиз кун деганда касаллиқнинг оғир даври ўтиб, соғлигим яхшилана бошлади. Даволаниши терапия бўлимида давом эттирдим. Бўлим врачлари Улугбек Нурзиёев ва жамоа аъзолари физиотерапия муолажалари, яъни ток,

нур, массаж усуллари ёрдамида кўли энгил врач Вохиджон Бўриев игна билан даволаб дардимга шифо бўлишди.

Соғайиб, оиламга қайтдим. Оила аъзоларим ва ўзим Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти, шифокорлари, ҳамширалар ва бошқа ходимларига миннатдорлик билдираман. Шифохонада сидқидилдан хизмат қилаётган хотин-қизларни яқинлашиб келаётган 8-март - Хотин-қизлар байрами билан чин дилдан табриклайман. Уларга сихат-саломатлик, оилавий бахт, эл соғлиғи йўлидаги ишларингизга улкан муваффақият тилайман.

Маждид ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 5 февралда 680692 реестр рақами билан рўйхатга олинган “EKEKTR NAZORAT XAVSIZLIGI” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: “EKEKTR NAZORAT XAVSIZLIGI” МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 26 февралдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Курчатов кўчаси, 53-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306090914.

Булунғур туман «Ягона дарча» марказидан 2009 йил 1 июлда 100 реестр рақами билан рўйхатга олинган “BULUNG'UR TUMAN AGRO PILLA” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: “BULUNG'UR TUMAN AGRO PILLA” МЧЖ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Булунғур тумани Истиклол маҳалласи.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 200730297.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 19 июлда 745106 реестр рақами билан рўйхатга олинган “KOMPEN PLAS” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: “KOMPEN PLAS” МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 26 февралдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Олмалик кўчаси, 53-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306591488.

Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасида марҳум Митогин Николай Михайловичга (1991 йил 5 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасида марҳум Кузмин Владимир Александровичга (2019 йил 1 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

Самарқанд шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида марҳум Франкел Геннадий Наумовичга (2019 йил 19 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунғур туманидаги 18-ўрта мактабдан 2001 йилда Ишанқулова (ҳозирда Махрамулова) Гулноза Бозорбоева номига берилган О'Р-З № 0750637 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги Хамраев Бекзод Нуриддин ўғли яққа тартибдаги тадбиркорнинг (СТИР: 593880886) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Икрамов Жавлонбек Илхомжон ўғли номига берилган У № 5929198 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат қорхонасида Бобомуродова Гулсара Муниновнага қарашли Самарқанд шаҳри Шохрух кўчаси 33-ўйда (“Мармар” бозори ҳудудида) жойлашган ошхона учун 2007 йил 20 июнда берилган 201/399 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги Исмаилов Жалол Хусен ўғли яққа тартибдаги тадбиркорнинг (СТИР: 603257554) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлок туманидаги 12-ўрта мактабдан 1999 йилда Азимова Сурайё Мавляновна номига берилган Г № 490214 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ қасаба уюшма кенгашларининг жамоалари бирлашма кенгаши ижтимоий сўғурта бўлими мудири Зариф Жозиловга синглиси

Замира АБДУҒОФУРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этиди.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ қасаба уюшма кенгашларининг жамоалари бирлашма кенгаши ижтимоий сўғурта бўлими мудири Зариф Жозиловга синглиси

Замира АБДУҒОФУРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этиди.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ қасаба уюшма кенгашларининг жамоалари бирлашма кенгаши ижтимоий сўғурта бўлими мудири Зариф Жозиловга синглиси

Замира АБДУҒОФУРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этиди.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ қасаба уюшма кенгашларининг жамоалари бирлашма кенгаши ижтимоий сўғурта бўлими мудири Зариф Жозиловга синглиси

Замира АБДУҒОФУРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этиди.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ қасаба уюшма кенгашларининг жамоалари бирлашма кенгаши ижтимоий сўғурта бўлими мудири Зариф Жозиловга синглиси

Замира АБДУҒОФУРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этиди.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ қасаба уюшма кенгашларининг жамоалари бирлашма кенгаши ижтимоий сўғурта бўлими мудири Зариф Жозиловга синглиси

Замира АБДУҒОФУРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этиди.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ қасаба уюшма кенгашларининг жамоалари бирлашма кенгаши ижтимоий сўғурта бўлими мудири Зариф Жозиловга синглиси

«Samarqand mulk markazi»

масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 25.02.2020 йилдаги 15-15/192-сонли буюртма-номасига асосан Самарқанд шаҳри Кўқсарой майдони, 2-ўйда сақланган кўйидаги автомашиналар кўйилмоқда:

- 1) А/м. «ЛАСЕТТИ». 2013 й. и/ч., д/б. 30 212 SAA, т/н. Б.б. - 69 388 000 сўм;
- 2) А/м. «ЛАСЕТТИ». 2009 й. и/ч., д/б. 30 213 SAA, т/н. Б.б. - 48 313 000 сўм;
- 3) А/м «ЛАСЕТТИ». 2015 й. и/ч., д/б. 30 214 SAA, т/н. Б.б. - 74 400 000 сўм;

Аукцион савдоси 2020 йил 30 март соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 30 март кунини ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 6, 13, 20 апрель кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичига бир кун олганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Samarqand mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Кўқсарой филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Х/р: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри М.Кожгарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Телефон: 66-233-80-13.

Хизматлар лицензияланган.

Ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазириликдан Самарқанд туманидаги «INTEGRAL SOGD AVTO» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 300177870) автомобилда юклари халқаро ташиш учун берилган кўйидаги хорижий кўп томонлама рухсатнома бланкалари йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади.

Давлат	Рухсатнома тури	Бланка рақами	Амал қилиш мuddати
Украина	Икки томонлама	АС № 678472	31.01.2020 й.
Украина	Икки томонлама	АС № 679093	31.01.2020 й.
Россия	3-чи давлатдан/га	№ 2199848	31.12.2019 й.
Россия	3-чи давлатдан/га	№ 2346280	31.12.2019 й.
Қозоғистон	3-чи давлатдан/га	№ 0588880	31.01.2020 й.
Грузия	Икки томонлама/транзит	GE № 19-032782	31.01.2020 й.
Грузия	Икки томонлама/транзит	GE № 19-291941	31.01.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазириликдан Самарқанд туманидаги «DELLA LAGISTIK» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 304567138) автомобилда юклари халқаро ташиш учун берилган кўйидаги хорижий кўп томонлама рухсатнома бланкалари йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади.

Давлат	Рухсатнома тури	Бланка рақами	Амал қилиш мuddати
Беларус	Икки томонлама/транзит	БН № 9594192	31.01.2020 й.
Украина	Икки томонлама	АС № 678535	31.01.2020 й.
Россия	3-чи давлатдан/га	№ 2345081	31.12.2019 й.
Тожикистон	Икки томонлама	№ 0002185	31.12.2019 й.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ!

Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 13-манзилда жойлашган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Амир Темури филиали биноси ертўла қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун лойиҳачи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади.

Тижорат таклифлари газетда эълон чоп этилган санадан бошлаб, 7 кун ичида қабул қилинади. Тижорат таклифлари муҳрланган конвертларда тақдим этилиши лозим.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 13-уй. Телефон: 66-221-05-29, факс: 66-222-94-94.

МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Хотира майдонлари

хотирадан кўтарилганми?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).



Оқдарёдаги Хотира майдонида тунги ёриткич чироқлари синиб, электр симлари очилиб, хотира китобининг ёнидаги безаклар тушиб ётганлигидан, қолаверса, атрофдаги чиқиндилардан майдон эътиборсиз қолганини илгаш қийин эмас.



Булунғур тумани мутасаддилари ҳар ҳолда Хотира майдонига эътиборсиз эмаслигини бу ерда ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилганидан билиш мумкин. Биргина муаммо майдон атрофини сон-саноксиз, қонуний ва ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситлари ураб олганлигида.



Тойлоқ туманига бориб, Хотира майдони қаерда жойлашганлигини сўрасангиз "Боғизогонда, "винзавод"нинг қарама-қарши томонида" деб жавоб беришади. Аслида, туманининг Боғизогон маҳалласида жойлашган бу мажмуани хотира майдони, деб аташ ҳам ноўриндек. Сабаби урушга кетиб қайтиб келмаган шу худуднинг мард ўғлонлари хотираси учун бир пайтлар ўрнатилган ёдгорлик ўрнида мотамсаро она ҳайкали жойлаштирилган. Бу ердаги мрамор тошга "Улуғ Ватан урушида..." деб ўйиб битилган ёзувга қараганда мажмуанинг тарихи узоққа бориб тақалади.



Самарқанд туманидаги Хотира майдони узоқдан қараганда бинойидек. Туманининг қоқ марказида, ҳокимлик биноси қаршисида жойлашган майдонга кириб борсангиз, бу ерда анчадан бери ободонлаштириш ишлари олиб борилмаганига гувоҳ бўласиз. Гул экиладиган жойлар чиқинди билан тўла. Қоронги тушди ҳамки майдонда тунги чироқлар ёнмади.

Сизнинг Хотира майдонингиз-чи?
У ердаги ҳолат, саранжом-сарихталик хотирангиздан кўтарилганми, ҳурматли масъуллар?..

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Ҳусан ЭЛТОЕВ (фото).

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллиги олдидан

Тарихимиз саҳифаларини варақлаган киши жаҳолат ва хурофот қурбони бўлган не-не улуғ зотларнинг жасоратли ҳаёти ва фидойи фаолиятдан хабардор бўлади. Ана шундай буюк шахслардан бири Маҳмудхўжа Бехбудийдир.

амир айқочилари уни Шаҳрисабзда кўлга олиб, яширин равишда Қаршига келтиришади. Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан пинҳона қатл қилинади. Бу машъум воқеа



«Адиби аввал»

1912 йилда ёзилиб, 1913 йилда босилган «Падарқуш» драмаси Бехбудийга жуда катта шухрат келтиради. Асар 1914 йил 15 январда Самарқанд театри ҳаваскорлари томонидан саҳнага қўйилади.

Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Бахшитепа қишлоғида туғилган Маҳмудхўжа Аҳмад Ясавий сулоласидан бўлиб, отаси Бехбудхўжа, катта бобоси Ниёзхўжа асли Самарқандда яшаб, фаолият кўрсатгани учун Ниёзхўжа «қори Ниёзхўжа Урганчи» исми билан шухрат қозонган. Ниёзхўжанинг ўғли Солихўжа ҳам қорилик ва имомлик билан тирикчилик қилган. Солихўжадан Бехбудхўжа исмли ўғил ва икки қиз қолган.

Маҳмудхўжа Бехбудий 6-7 ёшларида Самарқандда катта тоғалари Муҳаммад Сиддиқ хузурида хат-саводини чиқаради. Кейин отасидан Куръонни ўрганади. 15 ёшида тоғаси муфти Одил хузурида илм олишга киришади. Бу ерда у араб тили грамматикаси ва замонавий фанларни ўргана бошлади. Жумладан, «Қофия», «Шарҳи мулло» китобларини ўқийди. Мантқан «Шамсия», ҳуққдан «Мухтасар алвақоя» ва «Ҳошия» китоблари, шунингдек, ҳисоб илмини ўрганади.

1889 йилда отаси вафот этгач, оилани боқиб Маҳмудхўжанинг зиммасига тушади. Шу боис Чашмаоб қишлоғида қозилик қила бошлаган тоғаси Муҳаммад Сиддиқнинг хузурида мирзолик қилади, шунинг баробарида муфтиликка тегишли бўлган шарият қоидаларини ўрганади. Кейинчалик Кобуд қишлоғи қозиси мулла Зубайднинг хузурида мирзолик ишини давом эттиради. Бу ерда турли масалалар бўйича қозихонага мурожаат қилган камбағал, бева-бечораларнинг аҳоли билан танишади, халқнинг илму маърифатидан ўз ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қила олмаслигини кўриб, уларга ачинади ва кўлидан келган ёрдамни аямайди.

1899 йилда бухоролик дўсти Ҳоди Бақо билан сафарга чиқади. Бехбудийнинг

мақсади, биринчидан ҳаж қилиб, мусулмончиликни адо этиш бўлса, иккинчидан, тараққий этган мусулмон мамлакатларининг мактаб усуллари билан танишиш эди. Ҳаж сафаридан келгач, эскича мактабларни ислоҳ қилиш орқали «Усули жаҳид мактаблари»ни ташкил қилади.

Минг афсуски, бу борада икки томонлама қаршиликка дуч келди. Биринчидан, чор ҳукумати жаҳид мактабларининг кўпаймаслиги учун курашса, иккинчидан, маҳаллий мутаассиб диндорлар ҳам янги усулнинг ривож топмасликлари учун ҳаракат бошлайдилар.

Самарқандлик Раҳматулло Раҳим «Туркистон» вилоят газетаси орқали «Усули жаҳид мактаби»ни ҳақорат қилади, унинг асосчилари Бехбудий ва Шакурийларни доноликда, билимсизликда айблади. Аммо бундай чиқишлар жаҳид мактабларига қизиқишни сусайтира олмайди, аксинча, халқнинг қизиқиши янада ортиб бораверди.

кейинроқ, яъни бир йил ўтган маълум бўлди. Зиёлилар, бутун халқ мотам тутди.

«Сийсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатидан ўша замон Туркистондаги жаҳидлар орасидан унга тенг кела оладигани бўлмаса керак», деб ёзган Файзулла Хўжаев.

Татар совет адабиётининг асосчиси, машҳур инқилобчи адиб Олимжон Иброҳимов 1916 йилдаги «Тиллари бошқа бўлса-да, кўнглилари бир» мақоласида туркий тилларнинг XX аср бошдаги тараққиёти ва унда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг хизматлари катта экани ҳақида ёзади: «Каслий денгиси орқали чиқиб, Мовароуннахрга келгач, Самарқанд, Тошкент тийраларинда тўхтаб, бу халқнинг дунёсина кўз солсак, дарсликлар оламинда Истанбулли Аҳмад Мидҳатнинг «Ҳожа Аввали, бизнинг «Муаллими Авваллимиз ўрнига аларнинг Хўжа Бехбудийлари «Адиби аввал»лар ёзгонлигин, «Ойна», «Садои Фаргона», «Осиё», «Тижорат», «Хуршид», «Садойи Туркистон» каби шул ер тугроғинда ўниб, шундаги эҳтиёжларга жавоб берадиган эмишлардир». («Онг» журнал, 1916 йил, 5-сон, 87-90-бетлар).

1912 йилда ёзилиб, 1913 йилда босилган «Падарқуш» драмаси Бехбудийга жуда катта шухрат келтиради. Асар 1914 йил 15 январда Самарқанд театри ҳаваскорлари томонидан саҳнага қўйилади, 27 февралда эса Тошкентдаги машҳур «Қолизей»да «Турон» труппаси ўз фаолиятини шу спектакль билан бошлади. «Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган, Каттақўрғон каби шаҳарларда чиққан «Падарқуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз кўёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ҳам пайқамай қолдим», деб ёзган Абдулла Қодирий ўз таржимаи ҳолида.

1929 йилда Қозонда босилиб чиққан «Ўзбек адабиёти» китобида эса «Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини Бехбудий билан Фитрат қўйиб берди» деган эътирофга дуч келамиз.

Муस्ताқиллик шарофати туфайли қадриятларимиз тикланипти, қатагонга учраган шоир, ёзувчиларимизнинг ҳаёти ва ижоди кенг ўрганилди.

1937 йилдан 1980 йилга қадар халқ душмани деб келинган Маҳмудхўжа Бехбудий номи яна тикланди. Муस्ताқил Ўзбекистон ўз фарзандининг ўчган чироғини яна ёқди.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг уч ўғил, бир қизи, неваралари бўлган. Мен шундай маърифатпарварнинг невара келини эканимдан фахрланаман.

Раъно ТўРАХЎЖАЕВА,
филология фанлари номзоди,
доцент.

1 март – Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуд топган кун

«Юрагимга яқин кишилар»

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудига бағишлаб Каттақўрғонда ўтказилган адабий – мусиқали театрлаштирилган тадбир дастур – сценариеси ана шундай номланган.

Беназар шоирадан халқимизга, адабиётимизга мерос бўлиб қолган китоблар номига диққат қилайлик: «Юрагимга яқин кишилар», «Шалопал», «Висол», «Кўёшли қалам»... Ҳар бир товуши, ҳар бир ҳарфида нур, ҳарорат, муҳаббат... Бу нур, ҳароратаро Зулфияхоним сиймоси ҳам ёғдула-

ниб, меҳрга чулғаниб кўринади. Шоиранинг нафақат қиёфаси, балки руҳиятида, шеърлятида ҳам халқимизга хос бўлган энг гўзал фазилатлар мужассам.

Зулфияхоним шеърляти ҳам, шоиранинг қалби, кўнгли, сўзлари, ҳар бир қадами, ўзи туғилган, ўзи табарруқ билган тупроқ, шу ерда яшаган инсонлар билан чамбарчас болгик эканлигини далиллаб турибди.

Шоира таваллуд кунига бағишлаб «Юрагимга яқин кишилар» адабий, мусиқали дастурли саҳналаштириш жараёнига шахримизнинг иқтидорли санъаткорлари, ёш ижрочилар, бадиий



сўз моҳирлари жалб этилган, - дейди Каттақўрғон шаҳар маданият бўлими мудир Одижон Бозоров. - Адабий тadbирда шаҳар драма ва халқ театри жамоалари, коллеж ва мактабларнинг истеъдодли ёшлари ижросида шоира ҳаёти ва ижоди ҳақида саҳна кўришилари намойиш этилади. Зулфияхоним шеърляти асосида қўшиқлар янграйди. Шаҳримизда февраль ойи давомида Зулфия таваллуд топган кун муносабати билан шеърляти ойлиги ўтказилди. Ойлик доирасидаги тadbирларда фаол иштирок этган ижодкор қизлар ўтказилган кечада ҳокимлик томонидан рағбатлантирилади.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Ёшлар қандай киноларни кўришни хоҳлайди?

Самарқанд шаҳар ёшлар марказида «Ёшлар ва кино» шиори остида Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матёқуб Матчонов, «Ёшлар ижодий таҳриба студияси» давлат унитар корхонаси раҳбари Иззатулла Саиджабборов ва актёр Қахрамон Мелиевларнинг самарқандлик ёшлар билан ижодий учрашуви ўтказилди.

Унда бугунги ўзбек киносининг ютуқ ва камчиликлари, олинаётган кинолар, актёрларнинг ижроси, муаммолар ҳамда самарқандлик ёшларнинг ўзбек киносидан кутаётганлари, тақлиф ва мулоҳазалари ҳақида сўз юритилди.

- 1967 йилда "Шум бола"да роль ўйнаш учун Самарқандга келгандим, - деди Хайрулла Саъдиев. - Бу ернинг ижодий муҳити бегона эмас, қанчадан қанча маҳоратли актёрлар, режиссёрлар, кино арбоблари

камол топган маскан. Учрашувдан мақсадимиз ҳам ижодкор ёшлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг фикрларини тинглаш, ғоялари асосида сценарийлар ёзиб, янги киноларни суратта олишдан иборат. Бунинг учун томошабиннинг фикри, қандай фильмларга эҳтиёжи борлигини ўрганиш жуда муҳим.

Ёшлар томонидан киноижодкорларга тарихий сиймоларимиз, мазмунан бой, миллий анъана ва қадриятларимизни тарғиб этувчи кино ва телесериаллар ишлаш борасида кўплаб саволлар берилди.

Учрашувда "Ўзбекино" миллий агентлиги қошида «Ёшлар ижодий таҳриба студияси» ташкил этилгани айтилди. Унда 40-50 нафар ёш истеъдодлар режиссёрлик, қўшиқ айтиш, актёрлик маҳорати бўйича малакали мутахассислардан сабоқ олмақда. Асосийси, бу ерда ёшлар ўз ижод намуналарини саҳналаштириши, фильм суратта олиши учун ҳам барча имкониятлар яратилган.

Азиз ҚОДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН БҮЙЛАБ БИЗ БИЛАН САЁҲАТ ҚИЛИНГ!

Самарқанд шаҳридаги «ШарқИмпЭкс» сайёҳлик компанияси юртимизнинг Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва бошқа шаҳарларига саёҳатлар уюштириб беради. Буюртмалар фақат гуруҳлардан қабул қилинади.

Тўлов сиз хоҳлаган усулда амалга оширилади. Телефонлар: 98-273-02-95, 99-501-04-60, телерам: 93-720-13-13.

Хизматлар лицензияланган, турлар сертификатланган.